

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
2025 йил 21 июлдаги БР-27-сон буйруғидан**

К Ў Ч И Р М А

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар бўйича
умумий ҳисоботни шакллантириш тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2024 йил 25 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятининг очиклик даражасини янада ошириш, очикликка доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш тўғрисида”ги БР-20–сон буйруғига мувофиқ, коррупцияга қарши курашишга оид амалий тадбирлар ҳисобини юритиш, келиб тушадиган сўровлар бўйича ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларни тайёрлаш ва ташкилот фаолиятидаги очикликни таъминлаш борасидаги идоравий сиёсатининг устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар бўйича умумий ҳисоботни шакллантириш тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис (Дж.Сагдуллаев):

Вазирлик иш хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш фаолияти натижасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сайтда эълон қилиб туриш мақсадида мазкур ҳужжатни асос қилиб олсин;

Бўлинма фаолиятида зарур бўлган маълумотларни тегишли бошқармалар ва бўйсунувдаги ташкилотларни жалб қилган ҳолда шакллантириб борсин;

тегишли бошқармалар билан биргаликда, мазкур Низомни расмий вэб-сайт ва ички электрон ҳужжатлар алмашинуви тизими базасига очик ҳолда жойлаштирсин.

3. Вазирлик тизимига кирувчи масъул таркибий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар янги Низом талабларини бажариш мақсадида ўз иш фаолиятида тегисли маълумотларни тизимли тўплаб бориш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

4. Мазкур буйруқ талабларини бажариш ва уни назорат қилиш Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев зиммасига юклатилсин.

В а з и р

Б.Саидов

**Аслига тўғри
21.07.2025й.**

Р.Султонов

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишлар бўйича умумий
ҳисоботни шакллантириш тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлари (кейинги ўринларда – Дипломатик хизмат органлари)да коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишлаши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботни (кейинги ўринларда – ҳисобот) комплаенс назорати учун масъул бўлинма (марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик вколатхоналари ва консуллик муассасалари фаолияти юзасидан) ва, улар мавжуд бўлмаган тақдирда, – тегишли кадрлар хизматлари (бўйсунувдаги ташкилотларда) шакллантиради ва тақдим этиб боради.

2-боб. Ҳисобот мазмуни ва уни тузиш даврийлиги

3. Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳисоботни шакллантирганда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилади:

а) коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши, шу жумладан, Дипломатик хизмат органлари коррупцияга қарши идоравий дастури ёки “йўл харитаси” тадбирларини амалга оширилиши, келиб тушган қарор ва топшириқларнинг ижроси, манфаатдор ташкилотларнинг сўровлари, коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш;

б) хавф-хатарларни баҳолаш ишлари, баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилаётган ишлар, кузатилган ўзгаришлар;

в) коррупцияга қарши курашиш бўйича тартиб-таомилларни амалга ошириш натижалари. Бунда, манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш, контрагентлар ва номзодларни ўрганиш натижалари, ўқитиш ишлари, келиб тушган хабарлар ва уларни ўрганиш натижалари, мониторинг ва назорат натижалари, шунингдек фаолияти юзасидан таклифлар кўрсатилади.

4. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда Дипломатик хизмат органлари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

5. Ҳисоботни шакллантиришда иш фаолияти давомида марказий аппарат таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик вколатхоналари ва консуллик муассасалари фаолияти ўрганиб борилади, хизмат материаллари тўпланади, таҳлил қилинади ва ҳулосалар ишлаб чиқилади. Мазкур вазифаларни бажариш учун тегишли иш йўналишлари бўйича алоҳида ишчи гуруҳлари тузилиши ва маълумотлар билан ишлашига йўл қўйилади. Уларнинг ишини мувофиқлаштириш марказий аппарат таркибидаги компаенс назорати учун масъул бўлган бўлинма томонидан амалга оширилади.

6. Бўйсунувдаги ташкилотларда, агар компаенс назорати учун масъул бўлган алоҳида бўлинма мавжуд бўлмаса, ушбу ташкилотларнинг кадрлар хизматлари томонидан тегишли маълумотлар йиғилади ва ҳисобот шакллантирилади. Тайёрланган ҳисобот ташкилот раҳбарига тақдим этилади ва тасдиқланади. Тасдиқланган ҳисобот, Ташқи ишлар вазирлигининг компаенс назорати учун масъул бўлган таркибий бўлинмага белгиланган муддатда топширилади.

7. Ҳисобот чораклик давр бўйича олиб борилади ва унинг шакли, зарурат туғилса, ўзгартирилиши мумкин. Йил якуни бўйича чораклик ҳисобот ўрнига йиллик ҳисобот тузилади.

8. Умумий ҳисоботни мазмунан бойитишда ва фаолиятнинг барча жиҳатларини ёритиш мақсадида коррупцияга қарши кураш соҳаси учун Дипломатик хизмат органларини иш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ва бошқа ташкилотларнинг амалий-услубий тавсияларидан ҳам фойдаланилади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби

9. Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, коррупцияга қарши идоравий дастур ёки “йўл харитаси” тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

10. Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузишда комплаенс назорати учун масъул бўлган тузилма ва бўйсунувдаги ташкилотар кадрлар хизматлари тегишли таркибий бўлинмалардан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистик маълумотларни сўраши ва олиши мумкин.

11. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш борасидаги маълумотлар тўпланганда умумий ҳисоботнинг алоҳида бўлими сифатида кўрсатиб ўтилади.

12. Агарда умумий ҳисоботнинг тегишли бўлимларидаги иш йўналиши маълум таркибий бўлинма фаолияти доирасига кирса, ушбу йўналишга оид маълумотлар ва таҳлилий материаллар тегишли таркибий бўлинмалар томонидан шакллантирилади ва умумий ҳисоботга комплаенс назорати учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан йиғиб олинади ва қўшилади.

13. Ҳисоботнинг асосий хулосалари ва статистик маълумотлари Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайтида эълон қилиниши мумкин.

4-боб. Якуний қондалар

14. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларидаги таркибий ўзгаришлар оид қарорлар қабул қилиниши ва/ёки идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритиш зарурати пайдо бўлган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

15. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар тегишли таркибий бўлинма ташаббуси билан бевосита комплаенс назорати учун масъул бўлган таркибий бўлинма билан келишган ҳолда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ташкилотларда
коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида
УМУМий ҲИСОБОТ ШАКЛИ**

*(тўпланадиган ва кўриб чиқиладиган ахборот ва статистик маълумотларнинг
дастлабки (базавий) тузилмаси)*

**I. Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида
умумий ахборот¹**

Коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатилади;

Ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва ҳисобот даврида марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотларда татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатилади:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, кониқарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

² Бўлим фақат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тахлилий ахборот акс эттирилади.

коррупциявий хавф-хатарлар матричасини янгилаган марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар сони ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, йиллик декларациялар тўлдириш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида кўрсатилади;

Манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);⁴

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

⁴ Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

Худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (*масалан, харид процедураларидаги, иш бўйича бевосита бўйсунуши натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

Коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни ҳўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимидаги контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

марказий аппарат, худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида кўрсатилади.

Ишга номзодларни текшириш

Марказий аппарат, худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

V. Таълим ва коммуникация

Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Марказий аппарат, худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўникмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини худудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Шунингдек, ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-харакатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

VII. Мониторинг ва назорат⁵

марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган ташкилотлар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характери тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисқача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоиизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалари ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

⁵ Ҳисобот даврида коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

идоравий ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; ташкилот тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

IX. Хулосалар

Ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қоникарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

Комплаенс назорати хизмати